




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 151 (9.495) 2000 йил 25 декабрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- «Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун Давлат стипендиялари тўғрисидаги Низом ва уларни тайинлаш тартиби»га биноан яшарин овоз бериш йўли билан давлат илмий техника сийёсатининг бешта устувор йўналиши бўйича Ўзбекистон Президентининг 2001 йилги Давлат стипендиатларининг қолиблари аниқланди.
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.
- Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг вазирлик ва идоралар, ҳудудий комиссия раҳбарлари иштирокида навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида банкрот корхоналарни тугатиш жараёнларининг бориши таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш муддатлари ва назорат чоралари белгиланди.
- Фарғонада халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида», «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида», «Ворислик ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги ва бошқа долзарб масалалар муҳокама этилди.
- Наманганда бўлиб ўтган «Эндокрин касалликларининг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман уч кун давом этди.
- «Шарқона «Усто-шогирд» одоби» китоби нашрдан чиқди. С. Ғуломов ва С. Булатовлар қаламига мансуб ушбу методик қўлланма олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, мураббийлар, ўқитувчи-хунармандлар ва кенг китобхоналар оmmasига мўлжалланган.
- Тошкент Давлат аграр университетиде талабалар, ўқитувчи олимлар иштирокида «Омбудсман – ҳуқуқ ҳимоячиси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.
- Қарши шаҳрида кураш мусобақаларининг сараси – Ўзбекистон кубоги учун полвонлар гиламга тушди. Мусобақалар Ўзбекистон кураш федерацияси, Республика Давлат спорт кўмитаси ҳамда Қашқадарё вилоят кураш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

- Россия ҳарбий-денгиз флоти бош штаби ҳабарига кўра, шу йил декабрь ойида АПЛ туркумидаги атом сувоисти кемасининг учинчи авлоди сувга туширилди. «Гепард» деб номланган янги атом кемаси мутахассисларнинг фикрига кўра, кўп жиҳатдан «Курск» кемасига ўхшаб кетади.
- Бугундан бошлаб 10 январгача Чеченистондаги барча автомобиль йўллари беқилади. Бу тадбир Янги йил байрамида жангариларнинг бир қатор бузувчиликларни амалга ошириш хусусидаги хабарлар тарқалганлиги сабабли жорий этилмоқда.
- Жиззах вилоятининг электр тармоқлари корхоналари Франциянинг миллий sanoat уюшмаси олтин медали билан тақдирланди.
- Утган шанба кунини Сербияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Тахминий маълумотларга кўра, Сербиянинг демократик оппозиция блоки ишончли галабани кўлга киритган.
- Ўзбекистоннинг бир гуруҳ ёш мўйқалам соҳиблари Хиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида ўтказилган «Шанкар» Халқаро болалар ижодиёти танловида юксак мукофотга сазовор бўлишди.
- Американинг Луизиана штатида жаҳоннинг қирқдан ортқ давлатидан ёш ижрочилар иштирок этган ёш пианиночиларнинг Вайдман номидида халқаро танловидан Мухтор Ашрафий номидида Тошкент Давлат консерваторияси талабаси Гулрух Шокирова бронза медали соҳибаси бўлиб қайтди.
- Стокгольмда қуролли жиноятчилар Швеция миллий музейдан Рембранд автопортрети ва Ренуарнинг иккита расмини ўғирлаб кетишди. Босқинчилар воқеа жойидан моторли қайиқда гоийб бўлишди. Ўғирланган суратлар 30 миллион долларга баҳоланмоқда.
- Кеча Сахалинда кучли тўфон содир бўлди. Шамолининг тезлиги секундига 37 метрни ташкил этди. Ҳаво ва денгиз алоқалари узилиб қолди. Ҳозирча жабрланганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.
- Хиндистоннинг Чандигарх шаҳрида академик эшак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида Осие чемпионокати бўлиб ўтди. Тўққиз нафар спортчи Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди.

ЯКУНЛАР ЧИҚАРИЛДИ, КЕЛАЖАК ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси

Иккинчи чақирик Тошкент шаҳар Кенгашининг учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Тошкент шаҳрининг 2000 йилги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш масалалари муҳокама қилинди, келгуси йилги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича вазифалар белгиланди ва Тошкентнинг 2001 йилги бюджети тасдиқланди.

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов олиб борди.

Тошкент шаҳрининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг 2000 йилги якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича вазифалар тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Нодир Хонов маъруза қилди.

Ўтган давр мобайнида шаҳар иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорликка эришилгани таъкидланди. Дастлабки маълумотларга кўра, йил ялпи маҳсулот ҳажми 428,1 миллиард сўмни ташкил этади, шундан 44,5 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектлари улушига тўғри келади. Полиграфия, энгил, кимё ва нефть кимёси ишлаб чиқариш ҳажми ошди, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бўйича масъулият чекланган «Шарқ гули», «Малика» ва «Орзу» ҳиссасдорлик жамиятларида юқори кўрсаткичларга эришилди. Бироқ, тракторлар, пахта териш машиналари, алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқариш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда, электротехника, машинасозлик ва металлургия sanoatиде ишлаб чиқариш ҳажми пасайди.

Инвестиция дастурига мувофиқ 2000 йил учун бюджет ҳисобига 14 миллиард сўм капитал жамғармаларни ўзлаштириш кўзда тутилган эди. Киритилган ўзгартиришлар асосида кўшимча манбалар асосида йил охирига қадар икки баробардан зиёд қурилиш ишлари, яъни 30 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди.

2000 йилда турли манбалар эвазига 155,6 миллиард сўмлик капитал жамғармалар ўзлаштирилди. 420,1 минг квадрат метр уй-жойлар қурилди, 26,6 километр газ қувурлари, 27,05 километр сув қувурлари, 33,3 километр канализация, 7,67 километр иссиқлик тармоқлари ўтказилди. 7450 ўринли коллежлар ва 3075 ўринли академик лицейлар фойдаланишга топширилди. Собир Раҳимов ва Чилонзор туманларида 2 та кўприк қурилди, бир қатор муҳим иншоотлар бунёд этилди.

Сессияда 2001 йилда пойтахтни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳам муҳокама қилинди. «Пойтахтнинг 2001 йилги бюджети ҳақида» маъруза қилган шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи Б. Тоҳиров жумладан бюджетнинг асосий даромадлар тушуми бўйича устувор йўналишлари тўғрисида тўхталиб, уларни асосан солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет тушумлари тизимини рационаллаштириш йўллари эвазига эришилаётгани таъкидлаб ўтди.

Олдинги йилларгидек, бюджетнинг асосий қисми аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга, кадрлар тайёрлаш дастурини инвестициялаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини фаоллаштиришга сарфланади.

Музокараларда сўзга чиққан депутатлар А. Мажилов, Ф. Абдураҳимов, Ш. Имомалиев, М. Шаҳобова, С. Ганиевалар «Соғлом авлод» ва соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастурларининг ўтган ҳисобот давридаги баҳарчилиши, банклар орқали кичик ва ўрта бизнес тизимларига кредитлар ажратилиши хусусида тўхтадилар.

Маълумки, кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётнинг асосий йўналишларидан биридир. Давлат мулк кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Р. Пулатов маърузасида хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастурининг баҳарчилиши таҳлил қилинди, бу йўналишларнинг 2001 йилга истикболлари белгиланди. Жумладан, жорий йилда 46 та объект хусусийлаштирилгани, бешта объект чет эл инвесторларига сотилгани, 6,5 миллион АҚШ доллари олингани, кўшимча инвестиция мажбуриятлари эвазига 22 миллион АҚШ доллари олингани таъкидланди. Пойтахт иқтисодиётига 9 миллион 307 минг АҚШ доллари жалб этилди. Бироқ нодавлат секторини етарли даражага олиб чиқиш учун ҳали бу йўналиш бўйича анчагина ишларни амалга ошириш керак.

Сессияда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тасдиқланди.

Депутатлар, шунингдек, «Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмаси бошқаруви раиси Р. Файзуллаевнинг шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантириш тўғрисидаги маърузасини, шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармаси бош директори Х. Маҳмамовнинг 2000-2005 йилларда уларни капитал таъмирлаш юзасидан асосий йўналишлар дастури хусусидаги ахборотини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Сессияда Тошкент шаҳар ҳокимининг айрим қарорлари тасдиқланди, ташкилий масалалар кўриб чиқилди.



СУРАТЛАРДА: сессия пайти. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

ЭНГ МУҲИМИ – ИНСОН МАНФААТИ

Янги асрнинг бошланиши — бу янгиликлар ва хайрли ислохотларнинг татбиқ этилиши ҳамдир. Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари «Янги асрда сизнингча депутатнинг фаолияти қандай бўлиши керак?» деган саволимизга қуйидагича жавоб қайтардилар.

Шомурод ШОФАЙЗИЕВ,
«Ўзтрансмаҳсуқурилиш» ассоциациясининг раиси:

— Янги асрда биринчи навбатда мустақиллигимиздан кейин амалга оширилган хайрли ўзгаришлар самарали ислохотлар изчил давом эттирилиши керак деган фикрданман. Биз депутатлар сайловчиларнинг ишончларини оқлаган ҳолда чиқарилган қонунларнинг тўла амал қилиниши, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш йўлида бор куч-ғайратларимизни сарфлашимиз лозим. Ҳар бир депутат ўз фаолиятини сидқидилдан баҳарса, ислохотлар ҳам ўз қутилган самарасини беради. Энг муҳими, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилиши керак.

Мунира ШАҲОБОВА,
Ақмал Икромов туманидаги 8-оилавий поликлиниканинг бош шифокори:

— Депутат қилаётган меҳнати самарали, хонадон оқиб ва фаровон бўлиши, юртимиз осмонни мусаффо, мустақиллигимиз барқарор бўлиши каби эзгу ишларни амалга оширишга камарбаста бўлиши, Ватан тақдирини, халқ бахтини ўйлаб оқилона, фидоқорона қадам босиши лозим. Чунки кунлар, йиллар, асрлар бир-бирини қувлаб ўтиб кетади, ҳаёт ўзгаради, бироқ кишиларнинг эзгу ишлари инсонлар қалбиде мангу яшайди.

XXI аср оstonасига ДИЛ ИЗҲОРИ

● Илҳом МУҲАММАДЖОНОВ, ишчи, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиб:

— Инсон бир йилдан иккинчи йилга қадам кўяр экан, албатта ўтган йилга назар ташлаб сарҳисоб қилади. Шуниси қувонарлики, биз бугун нафақат ортдаги йилни, балки бутун бир асрни якунлаётимиз. Икки аср юзини кўриш насиб этаётганлиги учун шукроналар айтаман. Ўзбек халқи тарихига ушбу асрда зарварлар қўшилганлиги билан қадридир. Ана шундай масрур онлар менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирди. Астойдил қилган меҳнатим қадр топди. Президентимиз қўлидан мукофотни қабул қилиб олар эканман, келаётган XXI асрнинг халқимиз, миллатимиз учун қўтлуг келишини юракдан ҳис этдим. Мамлакатимиз ютуқлари янада мустақамланиб, энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишини ният қиламан.

● Мухаррам ИБРОҲИМОВА, ёғоч ўймаkori:

— XX аср мен учун шуниси билан эъозлики, яратган санъат асарларим нафақат юртимда, балки хорижий мамлакатлар кўргазмаларида ҳам намойиш этилиб, муваффақиятларга эришди. Ота-буваларим орзулари рўёбга чиқди. Мендек оддий ўзбек аёли эса бобомерос хунарим орқали дунё кўрдим. Мухаббатимни, миллий қадриятларимизни яратётган маҳсулотларимда мужассам этишга интилдим. Биздай хунармандларга яратилаётган шароитлар, оилага, аёлларга, оналарга, фарзандларимизга кўрсатилётган ғамхўрликлар, эзгу йилларимизнинг бетакорлиги менга илҳом, келажакка ишонч бахш этади. Янги асрда ёғоч ўймакорлиги хунарининг авлодлардан авлодларга ўтиб раванқ топишига, унинг халқимизнинг ўлмас меросига айланishiга аминман.

● Қудратилла АЗИМОВ, Тошкент тижорат техникуми директорининг маънавий ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари:

— Ота-боболаримиз озодлик учун жангларда шайхид кетдилар. Не бахтки, улар орзу қилган кунларни биз ва фарзандларимиз кўриш, мустақилликнинг буюк неъматларини топишга мушарраф бўлдик. Маънавиятимиз юксалмоқда, шарқона урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз тикланмоқда. Истиклол тўғрисида қанчалик бой меросимиз борлигини, улуг аллоҳларимизнинг маънавий ҳазинасига қўшган ҳиссаларини билишга муваффақ бўлдик. Халқимизнинг бой маданий меросини ёшларимизга етказиш, ўзбекининг бетакор фазилатларини уларда намойиш бўлишига эришиш, Ватанимиз учун етуқ, баркамол кадрларни тайёрлаб бериш, ўғил-қизларимизни юртга, элга меҳру муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш биз педагогларнинг асосий вазифамиздир. XXI асрга шундай бир фахр-ифтихор билан қадам кўяр эканмиз, мен келажак авлодимизнинг қадамлари янада шахдам бўлишига, уларнинг узоқни кўра оладиган теран кўзлари, доно сўзлари бўлишига аминман. Фарзандларимизнинг билимдонлиги, тадбиркорлиги баркамоллигига ҳажон аҳли тан бериши, ана шу кунларни кўриб гурурланиш барчамизга насиб этишини дилдан ният қиламан.

Анжуманлар ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей раҳбари, юридик фанлари номзои, доцент Холмурод Назаров, «Мафқуравий курашнинг умумбағарий ва минтақавий кўринишлари» мавзусида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейининг тарих фани ўқувчиси Ғулом Саидовларнинг қизқарқинли маърузалари тингланди. Ушбу семинар ишлари ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Илҳом Зокиров, «Ғоя ва мафқуралар, уларнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи. Ко-

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи

Саноат СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Суфра» Ўзбекистон – Америка қўшма корхонасининг тадбиркорлари йилни муваффақиятли якунлаб, янги асрни яхши ниятлар, янги мақсадлар билан кўтиб олишмоқда.

Корхона цехлари замонавий хорижий линиялар билан жиҳозлангани боис бу ерда ишлаб чиқарилаётган печенье, зефир, мармелад маҳсулотлари сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда. Яқинда корхона цехларидан бирига янги Италиядан келтирилган хорижий қадоклаш линияси ўрнатилган эди. Ушбу линияда харидорлар талаби асосида 90 ҳамда 140 граммдан чиройли ва бежирим қадокланган печенье-лар ишлаб чиқарилмоқда. Байрам арафасида бу маҳсулотлар ҳамшаҳарларимиз дастурхонини безаши, шубҳасиз.

Дилноза ҒИЁСОВА.

ТЎКИН-СОЧИН БОЗОРЛАРИМИЗ

ёки «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида бўлган Тошкент шаҳридаги бозор акциядорлик жамиятларининг фаолиятига бир назар

«Қайси юртининг халқи қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг унинг бозорига бориб кўр», деган доно нақл бор халқимизда. Бу гапнинг қанчалик чуқур маънога эга эканлигини «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида бўлган бозорлар ҳақида мақола тайёрлаш мақсадида шахримиздаги мавжуд 18 та бозор акциядорлик жамиятларининг иши билан яқиндан танишганимизда юракдан хис этдик. Бугунги эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу уюшма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Фазлиддин Нуралиев билан суҳбатимизда ҳам 1996-2000 йиллар давомида шаҳар бозорларининг фаолиятини қамраб олишга ҳаракат қилдик.

— Фазлиддин Валиевич, сўнгги йилларда шаҳар бозорларининг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Эски савдо нуқталари ўрнига сотувчи ва харидорлар учун ҳар томонлама қулай бўлган янги замонавий савдо мажмуалари қад кўтарди. Бу янгиликни, ўзгаришларнинг барчаси биринчи навбатда Мустақиллигимизнинг шарофати туйғулган эканлигини ҳаммаси яхши биламиз. Шу ҳақда мутахассис сифатида ўз фикрларингизни биз билан ўртоқлашсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва унинг икросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридорлик жамиятлари давлат тасаруфидан чиқарилиб, акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Шу даврда шаҳар бозорларида савдо ўринларининг сони 11558 та бўлса, ҳозирги кунда улар 37802 гага етди. Савдо жойларининг сони ой сайин ошиб бормоқда. Жой билан жойнинг фарқи бор бўлгани каби, олдинги нуқталар, кўрсаткич савдо жойлари ўрнида замонавий ва кўркам бозорлар қурилиши ҳамда уларда янги савдо нуқталари ташкил этилди.

Бозорларнинг моддий базасини ривожлантириш, инфратузилмасини шакллантириш, сотувчи ва харидорларга қулай шaroитлар яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ишлари 1995-2000 йилларда 6,2 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Натижада шаҳар кўрғига ва унинг архитектураси ансамблига мос бир қанча янги бозорлар барпо этилди. Улар жумласига «Юнусобод», «Миробод», «Бектемир», «Эски Жўва» деҳқон бозорларини, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улғуржи бозори», «Олой», «Паркент», «Сергели» универсал бозорлари, «Отчопар» ва «Чорсу» буюм бозорларини киритиш мумкин.

Айниқса, сўнгги йилларда бунёд этилган бозорларда сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар, янги хизмат турлари мумкин қилинди. Замонавий тўш ва балик мажмуалари ташкил этиш тажрибаси жорий этилди. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги даврда асосий бозорлар барча талабларга жавоб берадиган даражага етказилди.

Бугунги кунда бозорларимизда маиший хизмат кўрсатиш бўйича 30 та сартарошхона, 198 ўринли мехмонхона, 17 та фотосалон, 68 та пойабзал таъмирлаш устaxonалари, 15 та соатсозлик устaxonаси, 4600 ўринли пуллик автотўхташ жойлари фаолият кўрсатиб турибди. Сотувчилар хизмати учун 5000 дан ортиқ компект тош ва тарози, 695 квадрат метр қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш омборхоналари, 400 тоннага яқин маҳсулотга мўлжалланган махсус совутиш хоналари, 2000 дан ортиқ юк ташуви учун ихтисослашган аравачалар ажратилган, 17 та босса маҳсулот сифатини текшириш лабораторияси, 217 та қорса аппаратлари ишлаб турибди.

Сотувчи ва харидорларга қулайликлар яратиш борасида бажарилаётган ишлар қўлима айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июндаги «Бозорлар фаолиятини тақомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун шартшaroитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан кейин кенг тус олди.

Бозорларга сарф этилаётган молиявий маблағлар мақсадли ишлатилиб, албатта ўзини оқлаши аниқ. 1995-2000 йиллар давомида бозорлардаги савдо жойларининг сони 3,5 баробарга, жой ҳақи микдори 5 баробарга ошган бўлса, бозорларимиздан тушадиган даромадлар эса 45 баробарга ортиб ёки бошқача айтганда, 45 баробар ошган даромадларнинг 20 фоизи жойлар сони ва жой ҳақининг ошиши ҳисобига бўлса, 25 фоизи эса бозорлар фаолиятини ташкил этишнинг тақомиллаштириш ва тартибга солиш ҳисобига эришилди. Айниқса, даромадларнинг катта ўсиш микдори 2000 йилга тўғри келмоқда.


Албатта, бозорлардан тушадиган даромадларни ошириш ўз-ўзидан бўлмади. Бунинг учун қатор тадбирларнинг амалга ошириш лозим бўлди. Шундай экан, бу ҳақда бироз тўлиқроқ маълумот берсангиз.

— Баҳоини яхшилаш билан бир қаторда бозор фаолиятини ташкил этишнинг янги йўналишлари доимий назоратга олиш ва патта пулларини тўлиқ йиғиллигини таъминлаш масаласига муҳим эътибор қаратилаётган сабабли шундай юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Бундай тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг ўтган йилнинг 2 августидagi «Чакана бозорлари ҳудудиди

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги бозор акциядорлик жамиятларининг ривожланиши ва ялли даромадларининг ўсиши ҳақида маълумотлар


2000 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида 18 та бозор акциядорлик жамиятлари бўлиб, улар 66 та бозорни ўз таркибига бириштирган. Улардаги савдо жойлари сони 37802 та, шу жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ажратилган жойлар сони 16997 та, буюм ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилган жойлар сони 20805 та.

1995-2000 йилларда бозорлардаги савдо жойларининг йилма-йил ўсиш динамикаси қуйидагича:



1995-2000 йиллар давомида бозор акциядорлик жамиятларининг моддий базасини ривожлантириш, сотувчи ва харидорларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида 6417,8 миллион сўм маблағ ишлатилган.


1995-2000 йилларда ишлатилган молиявий маблағлар қуйидагича ифодаланган:




2000 йилда 1995 йилга нисбатан савдо жойлари, жой ҳақи ставкалари ва бозор акциядорлик жамиятларининг ялли даромадлари қуйидагича ифодаланган:



1995-2000 йилларда жойлар сони, жой ҳақи ставкалари ва умумий ялли даромадларнинг йилма-йил ўсиш динамикаси қуйидагича:



1996-2000 йилларда 1995 йилга нисбатан жойлар сони, жой ҳақи ставкалари ва ялли даромад микдорининг ўсиш фоиизи қуйидагича:



1996-2000 йиллардаги маълумотлар динамикасида кўришиб турибдики, ялли даромадларнинг ўсиш темпи, жойлар сони ва жой ҳақининг ўсиш темпларидан юқори. Демак, ялли даромаднинг ўсиши фақат жойлар сони ва жой ҳақи ставкаларининг ошиши ҳисобига эмас, балки даромадлар манбааларини, айниқса жой ва хизмат ҳақи маблағларининг назоратини қўлайтириш ва тўлиқ йиғиллигини таъминлаш натижасида эришилмоқда. Айниқса бу тадбирлар 1999 ва 2000-йиллар давомида муттасил равишда қўлайтириб борилаётгани яққол кўринмоқда. 2000 йилнинг якуни бўйича режага нисбатан 300 миллион сўмга кўп даромад олиш мўлжалланмоқда.

Ҳозирги кунларда мутахассисларимиз ва бозор акциядорлик жамиятлари раҳбарлари томонидан 2001 йилнинг лойиҳа (проект) режаси ишлаб чиқилмоқда. Бу тадбир рақамларини маълум бир фойизга ошириб эмас, балки ҳар бир бозор фаолиятини чуқур таҳлил қилиш асосида даромадларнинг янги манбааларини ишга солиш йўли билан амалга оширишмоқда.

жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан кейин нақдлар тўғри эканлигини исботлаб берди. Тўғри, юқорида таъкидланганидек, бозорларнинг даромадларини ошириш ўз-ўзидан бўлмади. Эскича фикрловчи, тепса-тебранмас, ўз манфаатидан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган раҳбарларни ва «эски паттачи»ларнинг онгини ўзгариштириш осон иш эмасди, албатта. Бунинг учун биринчи навбатда кадрлар билан ишлашга, таълим ва тарбия ишларига ниҳоятда катта эътибор берилди, мавжуд имкониятлар ўрганиб чиқилди. Айниқса, бу янгиликларда ижобий натижаларга уюшма бошқарувига муроғасиз ва қатъий раҳбар тайинлангандан кейин унинг бошчилигида уюшма таркибиди ўзгаришлар рўй берганилиги, шунингдек бозор акциядорлик жамиятлари бошқарувидаги ўзгаришлар туйғулган эришилди.

— Фақат 2000 йилнинг ўзига давр талабига жавоб беролмайдиган 8 та бозор раҳбари, 20 нафар раис ўринбосарлари, 100 дан ортиқ назоратчи ва моддий жавобгар ходимлар ўз вазифаларидан озод этилди. Бу иш ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Уларнинг ўрнига ёш, истеъдодли ва янгича фикрлаш қобилиятига эга бўлган кадрларни топиш ва тарбиялаш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Муносиб кадрларни топиш учун университетларга, олий ўқув юртиларига муроғат этилди, акборот воситалари орқали эълонлар берилди. Ҳозирда ҳам ёшларни танлов асосида ишга қабул қилиш давом этмоқда.

Илгор чет эл тажрибаларини қўллаш, бозорларда сотувчи ва харидорлар эътиборига тақдим этиладиган акборот марказлари, нарх-наво ва буюм савдо жойлари акборотини ташкил этиш, шунингдек, бозорларнинг ўзига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни ишга тушириш, умуман айтганда, бозорлар фаолиятини замонавий услубда тақомиллаштириш истиқболларини ишлаб чиқиш каби ижобий жараёнларга эришиш албатта жуда кўп меҳнат, билим ва катта тажрибани талаб қилади. Шунинг учун ёш кадрларнинг малакасини оширишга эътиборни тобора қўчийтиряймиз. Уларни ўқитиш ташкил этилди, бир қанча Европа мамлакатларида хизмат сафарлари уюштирилди. Халқаро «TACIS» дастурининг чет эллик мутахассислари билан 1,5 йилдан бери ҳамкорлик қилинмоқда. Эришилган натижалар салмоқли бўлмоқда.

— Уюшма хизматчилари билан суҳбатларда, улардаги ишга нисбатан қизиқиш, завқ ва ишонч, бирдамлик ва талабчанлик, бозорлар фаолиятига таавуқли таҳлиллар, таққослашлар, гуллас бир сўз билан айтганда, келажакка интилмиш ҳисси бозорлар энди ишончли кишилар қўлига ўтганига гувоҳ бўлди. Лекин барибир бу соҳадagi баъзи қамчилик ва муаммолардан ҳам кўз юмиб бўлмайдми. Тўғри эмасми?

— Тўғри, ишимизда қамчилик ва муаммолар хали кўп. Уларнинг ечимини ушунда режалаш олиб борилаётми. Аввало, ҳар бир бозор фаолиятини ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш асосида уларнинг даромадлари ва харакатлари қайта тизилди. Бу тадбирларнинг солиқ таянч нуқталари ҳодимлари билан биригилди ўтказилган мониторинглар хулосалари асос қилиниб, ҳар бир савдо ўринининг самардорлигини таҳлил қилиш ҳисобига амалга оширилди. Биргина мисол, бозорлар даромадлари 2000 йилда ўтган йилга нисбатан 1 миллиард сўмга ошганини айтиб ўтиш kifoya.

Бозорларда белгиланган тартиб ва қоидаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг шу йилнинг 27 июнидаги 375-сонли қарори билан ушбу бозор раҳбариятига тажриба тариқасида шу йилнинг 1 августидан бошлаб бозор шартига ички ишлар, санитария назорати ҳодимларини ишга қабул қилиш ҳамда уларнинг ёрдами ва бевосита иштирокчида тегишли масалалар бўйича тартиб ўрнатилди. Бозорлар ҳудудиди жамоат тартибни ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бозорларда муайян тартибни сақлаш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳошида бозорлар ҳудудиди текоор хизмат олиб борувчи махсус бўлиmlар ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Ушбу бозор шартига улзуксиз фаолият кўрсатиш учун ҳозирда шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг коррупция ва роқета қарши кураш бошқармасининг 14 та ишчи-ҳодимлари қабул қилинди. Бу бўлимин шартнома асосида бозор акциядорлик жамиятларининг маблағлари ҳисобига таъминлаш, ҳар бир йилги бозорда жамият бошқаруви раисининг умумий масалалар бўйича ўринбосарини лавозимига Ички ишлар вазиirlарининг ҳодимларини тайинлаш ва улар зиммасига жамоат тартибни ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, сотувчи ва деҳқонларга иктисодий таъйик ўтказишни олдини олиш вазифалари юклатилди.

Кейинги йилларда катта муаммо бўлиб келётган акциядорларнинг сотиш масаласи ҳам бир неча ой давомида ижобий ҳал қилинди. Амалга оширилган оқилona тадбирлар натижасида акцияларга бериладиган дивидендлар ҳам салмоқли микдорда ошди. Хулоса қилиб айтганда, бозорларни бошқариш ҳам ўзига ҳос ижобий ёндашушни, йўл қўйилган ҳато ва қамчиликлар, муаммоларни ақл қўзи билан ечишни талаб этади. Бугун бу олдий ҳақиқатни тушуниш ҳолди иш юритишни даврининг ўзи кўрсатиб турибди.

— Эски йил билан хайрлашши ва янги XXI асрни кўлаш аранасида турибмиз. Кутлуг айём бўлганда ҳам-шаҳарларимизга қандай тилкалар билдирган бўлир эдингиз?

— Ортимиз тиш, осмонимиз мусаффо бўлсин. Бозорлар янги асрда ҳам янада гуллаб-яшнасин, бугунгидан кўра маълум ва тўқин бўлсин, ҳамшаҳарларимиз дастурхонидан файз ва барак ариماسин.

Суҳбатдош Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ. СУРАТЛАРДА: шаҳар бозорлари ҳаётдан лавҳалар акс эттирилган.



ШАРҚ ДУРДОҲЛАРИ

ЭЗ-ОЗ ЎТГАНИБ ДОМО БЎЛУҲ..

ОЛИМЛАР

«Хикматнома» номли китобни чоп қилдирган эдим. Уғлим Абдусамд уни варақлар экан:

— Дадажон, мана бу ерда: «Олим одам икки марта яшайди» дебди, қандай қилиб икки марта яшайди? — деб сўраб қолди.

— Одамлар китоб эздилар, ўлганларидан сўнг китобларини одамлар ўқийди, номлари доимо тилда бўлади. Мана, Ибн Сино, Беруний, Форобий, Аҳмад Яссавий, Жомий, Навоийлар ҳамон бизлар билан яшамоқда. Демак олимнинг ёзган асарини унинг иккинчи умридир. Сен ҳам олим бўлиб, китоб ёсанг, икки марта яшайсан, китобинг орқали одамлар билан сузлашасан, — дедим.

Олим ўз асрининг ёрқин оғтоби, Икки тилда сўзлар, икки хитоби. Бир тили оғзида, узоқ яшамас, Бошқаси боқий бу — ёзган китоби.

ТҮЙ

Бир шаҳарда қалтабин кишини кўрдим. Уғлига суннат тўйи қилмоқчи экан.

— Тошкентга тўйин, фалон хонандани олиб келиб, шундай тўй қилайки, бўлган сўнг гадои бўлиб қолсам ҳам майли, — дедди у.

— Худди шундай қилди. Унинг аҳлидан хабардор бўлган кишилар тўй қуни чойнак, пиёла, лаган, ейиш-ичкидан нимакни қўлга кирса, ҳаммасини талаб кетдилар. Бечора тўй соҳибини эрталаб қўшинсиникидан битта чойнак ва иккита пиёла олиб чой ичди.

«Оқ қаров» бехисоб мўйга* йиғилди, Ҳақим ҳаммаси ўйга йиғилди. Қанча мол топдим-у ҳўзур топмадим, Қанча топмай бари тўйга йиғилди.

АСАР

У асар ёзди. Асарини ҳаммага мактади. Нашриётларга олиб берди. Ҳеч ким босмади. Асар боддан оёқ ишқий можа-ролардан иборат эди. Қуруқ сафсата, пардасиз гаплар. У на-ширёт ҳодимларини порахўрликда, одамларни эса тушунмас-ликда айблади.

Асар ҳақ ичча тарасла асар, Муқаррам бойлик деб қарасла асар. Асрлар ўтса ҳам башар дийдан, Жой олиб, йўқомай турсла асар.

БЕМОР ДҮСТ

Дўстимиз касал бўлиб қолди. Унга-бунга дардини айтди. Унисини бу давони, буниси бу давони тавсия қилди. Ким нима деса, айтганини қилверди. Охири қон босими ошиб кетиб, касалхонага тушди.

— Нима ёган эдингиз? — сўрабди ундан шифокор.

— Мўйиб ёган эдим, бошдан-оёқча қўй думбасининг ёғини суртган эдим, дезинфекция қилади деб, озорк спирт ичган-дим, — дебди дўстимиз.

— Муза саримсоқни қўшиб, сутга балиқни аралаштириб, қалампирга марин солиб емасиз-да, — дебди шифокор кеса-ти.

— Э, шунанамми? — дебди дўстимиз чиппа-чин ишониб. — Ҳозир ўғлимга айтмак, айтганларинингизни олиб келайди.

«Доб сий тўриб, ўзинг адиб» бўл, Жонингиз жасрийиб, жунис, ҳабиб бўл. Табибга ишониб бепарво бўлма, Аволао ўзинга ўзинг табиб бўл.

АЧЧИК СЎЗ

Ошқоқчада ишлайдиган дўстимиз бор эди. Унинг ҳамроҳи-қўриқча ошқоқа берилиб кетганини кўрдик. Ёши қаттароғимиз унга қаттиқ насихат қилди.

— У билан алоқани узатман, — деб қолди бир кун дўстимиз, — жонимни оғирити ва кўнглимни синдириб.

— Дўст ачибди, душман қулдириб гапирди, — дедим унга. — Дарди ачиқ бўлади, аммо дардини даволайди. Унинг ачиқ сўзлари тағдида шифо ётибди.

Уйда ёлғиз қолиб, арчардим пиёз, Қўлим ачиб, сўқиб юбордим бироз. Пиёз қулиб дейди: — Наҳот билмасанг, Аччиқим даво-ку, эй ақи саёз.

КИМ БИЛИМДОН?

Усуббек ака деган бир биродарим бўлиб, у мендан йигирма ёшга катта эди. Бироқ биз тенгдошлардек дўст бўлиб кетгандик. Охири пайтада Усуббек акада ўзгариш пайдо бўлди, қандайдир довларни ўқир ва «одамларим» бор, дер эди. У бошқаларга кўринмайдиган одамлари билан сузлашар ва уларнинг айрим гапларини яқинларига етказарди.

Бир кун у менинг олдимга келиб: — Бавосилининг қучли давоси исирик экан, одамларим айтди, — деб қолди.

— Йўқ, улар хато қилишибди, — дедим унга.

— Йўқ, — деди у бироз асабийлашиб, — сиз менинг одамларимдан ҳам яхшироқ биласизми? Исирининг бавосилига дори эканини қилгаоҳингиз Маҳмуд Восилий дадаимиз ҳам ҳикоя қилиб берганлар.

Мен унинг аниқга ишора қилаётганини севдим. Вовқа бундай бўлган эди. Қилгаоҳим Маҳмуд Восилий 1920 йилда Бухородаги Мирараб мадрасасида таълим олганда давр улумоси ва ақлиёси Мулло Асвад Маҳмуд домла шайхондай ҳикоя қилган экан:

— Яқин биродарим, саксон ёшли Мулла бавосилига чалиниб, еб-ичкидан қолди. Улар ҳолатга етганда, ўғилларидан илти-мос қилиб, ўзини фалон мақбаранинг ёнига элтиб ташлашини сўрабди. Болалар ута илтимосини бажо келтирибдилар. Ҳаво ғоятда иссиқ бўлиб, мақбара атрофиди дараклар йўқ эриб, Ҳолсизланган бемор мулланни юз-буйиларини офтоб ўриб, қўйдириб юборибди. Кун оққанда бир киши ашшақа миниб келибди. Қурьон ўқиб, авлиёга бағишлабди. Сўнг эшағига миниб, жўнашдан аввал бемор муллага қаради: «Биродар, бу ерда нима қилиб ётибсиз?» дебди. Бемор аҳолини айтиб, шу улуг жойда ўлмок истаги борлигини баён қилибди. Эшақдаги одам: «Нега ўлмок ишламайсиз?» дебди. Бемор: «Шунга даволар қор қилмади, янтоқ нима қилиб беради?» деб ўйлабди, сўнг ҳар эҳтиёмолга қарди: «Қандай эҳтиёмол қилинади?» деб сўрамоқчи бўлиб, қўларини оғса, эшақли киши гоийб бўлиб экан. Уйларига келгач, уларга воқеани айтибди, уяига олиб кетишларини буюрибди. Бемор янтоқ ишлабди, тузалиб қилибди.

Хурматли қилгаоҳим Маҳмуд Восилий устозидан бу ҳикоя-ни эшитиб, хотирлар дафтарига ёзиб қўйган эканлар. Бу ҳақда устози Мулла Асвад Маҳмуд домлага ҳам гапириб бе-рибди. Орадан 3-4 кун ўтгач, давр аносиди бир қария кириб келибди. Шунда Мулла Асвад Маҳмуд домла қарияга қараб:

КОЛЛЕЖДА КОМПЬЮТЕР СИНФИ

Германия техника ҳамкорлиги жамияти «Ўзбекистонда касб-хунар таълимининг ислоҳ қилиш ҳамкорлиги» лойиҳасини амалга оширишга ўз муносиб хисасини қўшиб келмоқда.

Мамлакатимизда ўрта махсус, хунар таълимининг ривожлантиришга қаратилган бу лойиҳа касб-хунар коллежлари ва хунар андозалари даражасига қўтаришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Таълим

Жойлар билан қуроллантиришга киришилмоқда. Шу мақсадда Германия жамияти мамлакатимиздаги ўрта касб-хунар коллежи билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Тошкент шаҳридаги хизмат кўрсатиш турига ихтисослашган коллеж замонавий «ақлли» машиналар билан жиҳозланган компьютер синфи ҳамда янги ўқув техника воситаларига эга бўлди. Бунинг учун немис жамияти 100 миң доллр марка ажратди.

Умуман, бу жамият ўзи ҳомийлик қилаётган коллежларга 12,5 миллион сўм пул сарфлади. Акбар АЛИЕВ.

КАРАТЭ ЗАФАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Ёш каратэчиларимиз ўзларининг халқаро майдондаги улкан галабалари билан чет элларда мустакил юртимиз довуригини таратиларини одатий ҳолга айланиб қолди.

Кунин кеча ёш каратэчиларимиз Венгрияда ўтказилган ўсирилар ўртасида аъёнана Ян Жак Кубоги мусобақаларидан улкан зафар қўчиб қайтишди. Эътиқдан ортиқ мамлакатнинг ўчминга яқин спортчилари қатнашган ушбу нуфузли мусобақаларда республикамизнинг энг қучли ўн саккиз нафар ёш каратэ усталари жами ўн тўққизта медалларини қўлга киритиб,

МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

«Тошхарамаишыйхизматушома»си Сизларни Йил Рамазон ҳайити билан табриклайди. Байрам арафаси 2000 йилнинг 27 декабрь куни хайрия сифатида пойтахтимизнинг куйидаги манзилларидаги сартароҳоналарда туман маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари билан биргаликда кекса ва ногирон мижозларга бепул хизмат кўрсатишни ташкил этади.

Кўшимча маълумотлар учун куйидаги телефонларга кўнгирок қилишингиз мумкин: 55-39-10; 55-39-01.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ

1. «Карима» хусусий фирмасига қарашли, Форобий кўчаси, 418-уйдаги сартароҳона, тел. 46-61-19.

2. «Боситхон» жамоа корхонасига қарашли, Сағбон кўчаси, гузари ичида жойлашган сартароҳона, тел.46-86-76.

3. «Камалак-Элегант» хусусий фирмасига қарашли, Зиёнов кўчаси, 12-уйдаги сартароҳона.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ

1. «Нилуфар» хусусий фирмасига қарашли, Сергели-6, Сергели дехқон бозори худудига жойлашган сартароҳона.

2. «Севара-Бону» хусусий фирмасига қарашли, Сергели-8, 21-уй, 2-хонадондаги сартароҳона.

3. «Улмасбек» жамоа корхонага қарашли, Сергели-3, «Сергели дехқон бозори» ОТАЖга қарашли ярмарка худудига сартароҳона.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

1. «Болунт» хусусий фирмасига қарашли, Чилонзор -3 мавзе, Гагарин кўчасидаги сартароҳона.

2. «Сайфармел» хусусий фирмасига қарашли, Луфтий кўчаси, 7-мавзеддаги сартароҳона.

3. «Имон» МЧЖга қарашли, Ал-Хоразмий кўчаси, 20-мавзе, маичтинг олдидаги сартароҳона.

ҲАМЗА ТУМАНИ

1. «Бинокор» маҳалласига қарашли, Строительный кўчаси 39-а уйдаги сартароҳона, тел. 90-45-50.

2. «Эмелия» МЧЖга қарашли, М.Ҳасанова кўчаси, 10-уйдаги сартароҳона, тел.96-66-02.

3. «Пайзиев К.» хусусий тадбиркорга қарашли, Бирлашган кўчаси, 1-уйдаги сартароҳона.

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

1. «Муҳайё» хусусий фирмасига қарашли, Уйгур кўчаси, 411-уйдаги сартароҳона, тел. 45-18-94.

2. «Мирзаҳамедов А.» хусусий тадбиркорга қарашли, Уйгур кўчаси, 345-уйдаги «Исломобод» маҳалла гузари биносидаги сартароҳона.

3. «Пайзиев М.Н.» хусусий тадбиркорга қарашли, У.Юсупов кўчаси, Ишчилар шаҳарчаси бекатигаги сартароҳона.

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ

1. «Регистон» хусусий фирмасига қарашли, Саққокий ва Фарҳод кўчалари кесилувидаги сартароҳона, тел. 43-21-31.

2. «Зул Феруз» хусусий фирмасига қарашли, Чилонзор 12-мавзе, 18-уй 19-хонадондаги сартароҳона, тел. 170-60-52.

3. «Абдурусул ота» хусусий фирмасига қарашли, Зие Саид кўчаси, 104-уйдаги сартароҳона, тел. 74-09-42.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ

1. «Чень-Чунь» хусусий фирмасига қарашли, Хусайн Бойқаро кўчаси, 108-

МИРОБОД ТУМАНИ

1. «Яна-Бриз» МЧЖга қарашли, Кичик Бешёғоч кўчаси, 204-уйдаги сартароҳона, тел. 191-76-71.

2. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Ш.Рашидов кўчаси, 77-уйдаги сартароҳона.

3. «Аваздан» хусусий фирмасига қарашли, Мунис кўчаси, 80-а-уйдаги сартароҳона, тел.90-78-51.

МИРЗО УЛУБЕК ТУМАНИ

1. «Гулнора -СМ» хусусий фирмасига қарашли, Абдулла Тўқай кўчаси, 1-а уйдаги сартароҳона, тел. 133-54-31.

2. «Ойнали» МЧЖга қарашли, Оққўрғон кўчаси, 21-уйдаги сартароҳона, тел.68-78-91.

3. «Ойнали» МЧЖга қарашли, Ҳамид Олимжон кўчаси, 25-уйдаги сартароҳона, тел. 133-03-80.

4. «Хуррият -Бегим» хусусий корхонасига қарашли, Буюк Ипак йўли кўчаси, 257-уйдаги сартароҳона, тел.66-33-91.

5. «Моно-Мария» хусусий фирмасига қарашли, Югналик даҳаси, 3-а уйдаги сартароҳона, тел. 161-46-89.

6. «Каттаҳовуз» маҳалласига қарашли, А.Хўжаев кўчасидаги сартароҳона.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

1. «Экоимебиосервис» МЧЖга қарашли, Қиёт мавзеси (собиқ Марказ-5), 51-уйдаги сартароҳона, тел.34-03-29.

2. «Ой Нур Бек» хусусий фирмасига қарашли, Юнусобод 11-мавзе, 7-уй, 28-хонадондаги сартароҳона, тел.125-53-14.

3. «Ал Комар» хусусий фирмасига қарашли, Машинасозлар кўчаси, 6-уйдаги сартароҳона.

4. «Лола» хусусий фирмасига қарашли, Юнусобод-2 мавзе, 7-уйдаги сартароҳона, тел. 21-29-23.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

1. «Регистон» хусусий фирмасига қарашли, У.Носир кўчаси, 28-уйдаги сартароҳона, тел. 55-65-04.

2. «Усто Йўлдош» хусусий корхонасига қарашли, У.Носир кўчаси, 2-уйдаги сартароҳона, тел. 56-29-61.

3. «Сарой БМ» хусусий фирмасига қарашли, У.Носир кўчаси, 64-а уйдаги сартароҳона, тел. 55-75-93.

4. «БАД» МЧЖга қарашли, Бобур кўчаси, 40-в уйдаги сартароҳона, тел. 74-09-42.

5. «Мирзаев Т.Т.» хусусий тадбиркорга қарашли, Жанубий вокзалдаги сартароҳона, тел.50-96-01.



«ОЙНАЛИ» ШАҲОНТОҲУР

Жума, 29

«УЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот»

8.35-17.55 «В-маркет»

8.40 Гаэтлар шарҳи.

9.00 «Узбекистон» намоиши:

«Музаффар»

9.15 «Ақшуд» ашула ва ракс ансамблининг концерти.

9.35-12.25 ТВ-метео

9.40 «Басат пахлавон» Мультфильм.

10.05 Болалар учун. «Ха, ха, ха»

10.25 «Ахмад қаерда?» Бадийий фильм.

10.45 «Сомон йўли»

12.30 «Спорт, спорт, спорт» Теле-шоу.

12.50 «Вактин кетди»

13.10 «Шарки ва Жорж» Мультфильм.

13.15 «Время»

14.10 «Татар ва музыка»

14.30 «Кичиктой устакониси»

14.50 «Одам-амфибия» Бадийий фильм.

16.20 «Бинокор»

16.35 «Латиф луғту наволар» Бадийий хужжатли видеофильм. 4-кисм.

17.15 ТВ-аним.

17.25 «Табассум кўчаларида» 1-кисм.

18.10 «Президент арчаси»

18.15 «Имон»

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эрталари.

20.15 «Далас» Телесериял.

20.30 «Ахборот»

21.05 «Навойонлики»

21.20 «Кўпчилик кесими»

Муслик дустури.

22.05 «Зиё» студияси намоиши этакди.

«Этика муҳтамакчилиги йўли»

22.35 «Ақша кечаси»

23.10 «Ахборот»

23.15 «Чироқ остидаги дуэль» Бадийий фильм.

00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар тартиби.

9.00 «Давр» Ахборот дустури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта

9.50-11.00 «Муслик лажзалар»

10.00 «Давр» интервю.

10.10 «Мануал»

10.25 «Ахборот»

11.10 «Ешлар» телеканалда спорт: Ринг циркулари.

11.30 «Мағриб тунлари» Бадийий фильм. 3-кисм.

13.25 «Икки кечаси»

13.45 «Имон ал-Бухорий» Бадийий фильм.

14.20 «Ойлар»

14.25 «Кусто командасининг сув

15.10 Фулмоқдир Эргашев. «Ру-

15.20 Болалар экрани. «Кўн оғани»

кида ҳовли»

16.15 «Шалаш оиласи» Телесериял.

16.45 «Ахборот»

17.00 «Янги авлод» студияси: «Уй

17.35 «Ассалом, келажак!»

18.00 «Ойлар мерос»

18.10 «Ешлар ва маънавият»

18.25 «Ахборот»

18.40 «Ассалом, келажак!»

18.45 «Оқшом наволари»

19.00 «Давр» Ахборот дустури.

19.30 «Саломат бўлинг»

19.55 «Асп қиёсаси»

20.15-21.10-22.30 Эълонлар

20.25 «Давр» Ахборот дустури.

0.05-0.15 «Мунаввар тун истари»

20 КАДА

7.30 «Пойтахт» Ахборот дустури.

7.55 «Экспресс» телегазетаси.

8.00 «Янги авлод» студияси: «Машхур ва бадавлат одамлар»

8.55 «Пойтахт» Ахборот дустури

9.00-9.40 «Омад» тележурнали.

9.55 Кўрсатувлар тартиби.

10.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабулар»

10.25 «Ахборот»

10.40 «Ассалом, келажак!»

10.55 «Оқшом наволари»

11.10-11.15 «Хайри тун, шаҳрим!»

6.00 «Хайри тунг»

9.00, 12.15, 18.00, 01.35 - Янги-лислар

9.20, 16.55 - «Бобил миносари»

Сериал.

10.25 «Чегара. Тайга романи». Му-

каддима.

11.30 «Кусто командасининг барча

саватлари» Сериал.

12.15 «Хайри тунг»

13.05 «Оддий мўҳиза» 2-серия.

14.30 «Биргаликда» дустури.

15.20 Мўҳизалар мамлакати Ор-

зулар «Сехри Рождество» фильмида

ушалади.

18.15 «Бобил миносари» Сериал.

Якулловчи серия.

19.20 «Шу ерда ва ҳозир»

19.40 «Мўҳизалар майдоми» Янги

ойлар кўрсатуви.

20.45 «Хайри тун, кичиктойлар!»

21.00 «Время»

21.55 Жеймс Балзуси «К-9: Итдек

комедиясида.

22.50 Тунги кинозал. К. Туралев

«Тайгада учрашми» комедиясида.

РТР

6.00-7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00,

17.00, 20.00

7.00-7.30 «Хайри тунг, Росси-

я»

6.20-8.15 - Ойлини янгиликлар.

6.50-8.50 «Савол-жавоблар бюроси»

7.50-9.15 - «Кўрга ҳасадаси...»

8.15-9.30 «Табассум кўчаларида»

9.20-01.30 «Навобчи киси»

9.35 Болалар учун дустури.

10.00 «Мануал» Сериал.

11.30 «Санта-Барбара» Сериал.

12.30 «Аёл нимка истаиди» Ток-

шоу.

13.00 Янги «Эски кавирга»

14.30 Ура, таътирлар! «Астерикс

саргузилди» Мультфильм.

15.20 Таътирлар! «Асунгар»

Буюк Аждаҳо мамлакати. Сериал.

18.00 «Музабат тарихи» Сериал.

22.00 Таътирлар! «Дўн Бутун К»

20.50 Янги йилда семимли фильм-

ларнинг: Адриано Челентано

«Елсон-шаша» аниматорски комеди-

ясида (Италия).

22.55 «Кўрагитлар асрилик дурдо-

наво» Николай Басков концерти.

01.00 Духи Робертс ва Ричард

Гир «Голливуднинг севги ва озура-

ли» хужжатли фильмида.

tv6

8.00, 9.00, 15.00 - «Кўндан-кўнган»

8.45, 20.30, 01.15 «Йул назорати»

9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ

11.10 ТВ-6 кинотеатри. «Ақли бу-

11.30 «Янги авлод» студияси: «Била-

12.45 «Кўшлоқдаги тенгдошим»

13.25 «Олтин мерос»

13.30 «Имон ал-Бухорий» Бадийий

14.05 «Ешлар» телеканалда спорт:

14.55 «Янги йил табриги»

15.00 «Жаннат юртим» Муслик дусту-

15.25 Кўрсатувлар дустури.

16.30 «Янги авлод» студияси: «Била-

16.50 «Бола тилида»

17.20 «Хайрат»

17.40 «Футбол плюс»

18.00 «Узбекистон хизмат кўрсат-

18.15 «Била тилида»

18.20 «Узбек илгари» 1. Халққаро

18.45 «Оқшом наволари»

18.55-21.55 «Иқлим»

19.30 ТВ-аним. «Ахборот дустури»

19.30 ТВ-аним. «Ахборот дустури»

19.35 «Муқаддас бешик» Маъри-

20.20 «Олтин мерос»

20.25-21.15, 22.50 Эълонлар

20.50 «Узбекистон» янги асп-

21.20 «Кутимлага мижом»

21.25 «Ахборот дустури»

22.40 Тунги тароналар ва Эқолаш.

22.50 ТВ6 фильм: «Жавоҳир пол-

0.20 «Диржабоқ»

0.45-0.50 «Хайри тунг»

9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй ва-

9.25 «Муслик лажзалар»

10.00 «Янги йил табриги»

10.05 «Ешлар овози»

10.35 «Мезон»</